

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил август ойининг 25 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, суд раиси Ф.Худайбердиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси П.Рахмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Фармонов, судланувчи Ш.Ашуров ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳридаги “Аман” адвокатлар ҳайъати адвокати М.Бердиқулов, фуқаровий даъвогар Б.Холбековларнинг иштирокида, Ашуров Шухрат Абдукадирович (Ashurov Shuxrat Abdukadirovich)га нисбатан 1-1416-2201/244-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ашуров Шухрат Абдукадирович (Ashurov Shuxrat Abdukadirovich), 1974 йил 19 январь куни Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси бош мутахассиси бўлиб ишлайди, муқаддам 27.05.2017 йилда жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в.г” бандлари ва 209-моддаси 1-қисми билан, ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 1 йилу 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, давлат мукофотлари билан тақдирланмаган, депутат эмас, партиясиз, оилалик 3 нафар фарзанди бор, Самарқанд шаҳар, “Юксалиш” маҳалласи, “Ойдин йўл” кўчаси, 38^а-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, рухан соғлом, айблов хулосаси нусхаси 03.08.2022 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, томонларнинг музокара ва судланувчининг сўзини тинглаб, қуйидагиларни:-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ашуров Шухрат Абдукадирович - 2021 йил 14 июль кунидан бошлаб вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси, “Лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник кузатиш” бўлими бош мутахассиси вазифасида ишлаб келиб, ўзига компания буюртмаси асосида қурилаётган объектларни қурилиши давомида доимий назоратни



таъминлаш, лойиҳа қарорларга риоя қилиш ва меъерий ҳужжатларни талаб қилиш, тасдиқланган лойиҳа ва смета бўйича қурилиши ва реконструкциялаш қийматини мувофиқлигини кузатиш, қурилиш монтаж ишларининг сифати, яратилаётган конструкцияларнинг мустақкамлиги ва эстетик кўриниши чиройли бўлишига эътибор бериш, қурилиш объектларини пудратчи ташкилотлар билан бирга қабул қилиш ва ишлатишда қатнашиш каби юклатилган вазифалардан фойдаланиб, Ургут тумани “Ўроқбойжар” МФЙда жойлашган 120-ўринли мактабгача таълим ташкилотини қуриш бўйича 2.885.643.233 сўмлик 14-ОМТТ-2021-сонли шартномани қўлга киритган дастлабки терговда қисми тугатилган шахс билан жинсий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, юқоридаги шартномага асосан объектни фойдаланишга топшириш муддати 2021 йил 9 ноябрь кунига қадар белгиланиб, қурилиш ишларига ажратилган маблағлар пудратчига ажратилиб ишониб топширилаётганлигидан ва объектни қурилиши давомида лойиҳа қарорлари ва қурилиш меъёрлари ҳамда қоидаларига риоя қилган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини тўла хажмда, белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилиши устидан назорат функцияси ўзига юклатилганлигидан қасддан фойдаланиб, дастлабки терговда айблилик масаласи ҳал қилинмасдан қисми тугатилган шахс, пудратчи “Дилнура қурилиш сервис” МЧЖ раҳбари билан биргаликда 25.11.2021 йилги “Бажарилган ишлар тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-фактура”ни қалбакилаштиришиб, аслида давлат мактабгача таълим ташкилотида жамият томонидан дастлабки смета ҳужжатларида кўрсатилган иш турларидан ортиқча бошқа қўшимча иш турлари бажарилган бўлса-да, мазкур ишларни ҳисоб фактурада кўрсатмасдан, ҳақиқатда бажарилмаган қурилиш-монтаж ишлари бажарилганлиги тўғрисида расмий ҳужжат ҳисобланган ҳисоб-фактурага била туриб қасддан сохта маълумотлар киритишиб, ҳужжатни қалбакилаштиришган.

Судда сўралган судланувчи Ашуров Шухрат Абдукадирович ўз кўрсатувида, айбига иқдорлик билдирмасдан, Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжинеринг компанияси лойиҳаларни бошқариш ва уни техник назорат қилиш бўлими бош мутахассиси бўлиб ишлаб келишлиги, “Обод қишлоқ” дастури доирасида Ургут тумани “Ўроқбойхўжа” МФЙда жойлашган 63-МТТда қурилиш таъмирлаш ишлари режалаштирилганлиги, объектни мукамал таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари “Мензула Тасвир Сервис” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан 2021 йил 11 май кунда ҚҚС билан бирга 3.260.745.966 сўмга 8487-сонли ижобий экспертиза хулосаси берилганлиги, Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси танлов комиссиясининг 2021 йил 02 июлидаги 13115-Лот бўйича 3083-сонли Баёнига асосан юзасидан Ургут тумани “Ўроқбойжар” МФЙдаги 120 ўринли МТТни реконструкция қилиш



ишларини бажариш бўйича ҚҚС билан 2 885 643 232 сўмга, ишларни 130 кун муддатда фойдаланишга топшириш шартлари билан “Дилнура Қурилиш Сервис” МЧЖ ёлиб деб топилганлиги, тендер натижаси бўйича 2021 йил 02 июль кунида Буюртмачи Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси билан Пудратчи “Дилнура Қурилиш Сервис” МЧЖ ўртасида 2.885.643.233 сўмлик 14-ОМТТ-2021-сонли шартнома тузилиб, унга мувофиқ реконструкция ишлари 2021 йил 02 июлда бошланиб, 2021 йил 09 ноябрида тўлиқ якунланиши белгиланганлиги, 2021 йил 29 ноябрь куни “Дилнура Қурилиш Сервис” МЧЖдан Одил Исаков кўнғироқ қилиб, Ургут тумани “Ўроқбойжар” МФЙдаги 120 ўринли МТТни қуриш бўйича объектни қуриб битказилганлигини айтиб, уни объектга олиб келганлиги, у объектни келиб кўриб, қайта назорат ўлчовидан ўтказмасдан, объектни қурилганлигини кўзи билан кўриб О.Исаков унга берган 2021 йил 25 ноябрь куни билан тузилган 5-сонли якуний “ҳисоб-фактура маълумотнома”ни “Технадзор” деб ёзилган жойига имзо қўйиб берганлиги, ушбу ҳисоб-фактура маълумотномада 2.863.580.939 сўмлик ишлар бажарилганлиги кўрсатилганлиги, у ушбу объектни ҳисоб-фактурада кўрсатилганидек бирма-бир текшириб қабул қилмаганлиги, сабаби ҳар бир 3-4 млрд сўмлик объектни қабул қилиши учун ўртача бир ҳафта вақти кетишлиги, уни ушбу объектни бунча вақт текширишга вақти бўлмаганлиги, агар шу объектни ҳисоб-фактурасини тасдиқлаб, пулини “Дилнура Қурилиш Сервис” МЧЖга кўчириб бермаса ушбу пулни кейинги яъни 2021 йил декабрь ойида олинмасдан қолишлиги, сабаби 2021 йил декабрь ойида имзо қўйилган ҳисоб-фактуралар учун пуллар 2022 йил учун қолиб кетишлиги, объект Давлат қабул ҳайъатининг 2021 йилдаги қурилиши тугалланган бино, иншоотни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатномасига асосан фойдаланишга қабул қилинганлиги, 2022 йил 14 март куни Самарқанд Давлат молиявий назорат бошқармаси ва “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖдан масъул ходимлари унга мурожаат қилиб, Ургут тумани “Ўроқбойжар” МФЙда жойлашган 63-сонли МТТда амалга оширилган қурилиш ишларини текширишлари ҳақида айтиб, текширишга асос бўладиган тегишли ҳужжатлар ҳақида баён қилишганлиги, кейинчалик назорат ўлчов ишлари бошланганлиги, бироқ текширишда тўлиқ иштирок этишга имконияти бўлмаганлиги, шу вақтда у бошқа қурилиш объектларида бўлганлиги, шундан сўнг, Самарқанд давлат молиявий назорат бошқармасига уни чақириб, назорат ўлчов ишлари натижасига кўра, объектда реконструкция қилиш ишлари бўйича ишлар ҳажми жойига чиқиб танлов асосида назорат ўлчовидан ўтказилганда, 63та иш тури бўйича 114.778.091 сўм, ҚҚС билан бирга 131.994.805 сўмлик ишлар ҳажми тақдим қилинган ҳисоб-фактурага нисбатан кам бажарилганлиги аниқланганлиги ҳақида айтишиб, танишиб чиқиш учун текшириш далолатномасини тақдим қилишганлиги, мазкур далолатномада пудратчи ташкилот раҳбари имзоси йўқлиги сабабли, текширувчиларга пудратчи



ташкilot раҳбари билан гаплашиб, аниқланган камчиликларга ойдинлик киритиб, уларни бартараф қилишлиги ҳақида баён қилиб, тақдим қилинган далолатномага имзо қўймаганлиги. у 63-сонли МТТда ишлар 100% бажарилганлиги тўғрисидаги 2021 йил 25 ноябрь куни “Дилнура Қурилиш Сервис” МЧЖ раҳбари А.Дўстмуродов томонидан тузилган 5-сонли якуний “бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоб-фактура маълумотнома”ни “Технадзор” деб ёзилган жойига ушбу объектни текширмасдан имзо қўйиб берганлиги, мазкур объектда “Қишлоқ қурилиш инвест ИК” МЧЖ Самарқанд филиали мутахассислари томонидан объектда реконструкция қилиш ишлари бўйича ишлар ҳажми жойига чиқиб танлов асосида назорат ўлчовидан ўтказилганда, 63та иш тури бўйича 114 778 091 сўм, ҚҚС билан бирга 131 994 805 сўмлик ишлар ҳажми тақдим қилинган ҳисоб-фактурага нисбатан кам бажарилганлиги аниқланганлиги, бундан ташқари, 32 911 061 сўмлик сифатсиз ишлар мавжудлиги ҳам аниқланганлиги, ушбу аниқланган ҳолатлар билан мутлақо келишмаслиги, ушбу объектда тўлиқ иш ҳажмлари ҳисобга олинмаганлиги ҳамда қўшимча бажарилган ишлар инobatга олинмаганлиги сабабли 2022 йил 07 майда бош пудратчи ташкilot “Дилнура қурилиш Сервис” МЧЖ томонидан объектни қайта ўлчовдан ўтказишни сўраб 13-сонли хат билан мурожаат қилганлиги, Вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компаниясининг 2022 йил 12 майдаги 83-сонли буйруғига биноан Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси техник назоратчилари Ж.Давронов, бош пудратчи ташкilot “Дилнура Қурилиш Сервис” МЧЖ раҳбари А.Дустмуродов ва “Мензула тасвир сервис” МЧЖ бош муҳандиси Б.Раҳмоновлар иштирокида объектда қўшимча бажарилган иш ҳажмларини инobatга олган ҳолда қайтадан назорат ўлчовидан ўтказилганда “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ Самарқанд филиалининг 2022 йил 08 февралдаги 28 и/ч-сонли буйруғи асосида компания етакчи мутахассиси Р.Тиллаев томонидан Самарқанд вилояти Ургут тумани “Ўрокбойжар” МФЙ даги 120-ўринли МТТни реконструкция қилиш объектида бажарилган қурилиш монтаж ишларини танлов асосида ўтказилган назорат ўлчовида ҚҚС билан 48.909.884 сўмлик иш ҳажмлари инobatга олинмай қолганлиги аниқланганлиги, бундан ташқари қурувчи томонидан ушбу мактабгача таълим ташкilotида 136.510.418 сўмлик қўшимча иш ҳажмлари бажарилганлиги ҳисобига 53.425.498 сўмлик иш ҳажмлари ортиқча бажарилганлиги аниқланганлиги, мазкур объектда қурувчи томонидан давлат бюджетининг бирор маблағи ўзлаштирилмаганлиги, ушбу объектда қурувчи томонидан ўзининг маблағлари ҳисобидан 53.425.498 сўмлик иш ҳажмлари ортиқча бажарилганлиги, ҳақиқатдан ҳам, ушбу объектни қабул қилишда сметада кўрсатилган ишларни ҳақиқатда текширмасдан ва ўрганмасдан улар бажарилган деб ўйлаб ҳужжатларга имзо қўйганлиги, чунки мазкур объектни 2021 йил ноябрь ойида қабул қилган бўлиб, унга

Ҳужжат имзоланган: Худайбердиев Фарход Фармонович, 25.08.2022



барчасини назорат қилган, ишлар тўғри бажарилган деб ўйлаб, вақт жуда тифиз бўлганлиги сабабли текширмасдан имзо қўйганлиги, шу сабабли ўзини айбисиз деб ҳисоблашлигини баён қилиб, оқлов ҳукми чиқаришни сўради.

Судланувчи Ш.Ашуров айбига иқрорлик билдирмасдан кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби суд мажлисида сўралган фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг қуйидаги кўрсатувлари билан ўз исботини топади. Жумладан:

Судда сўралган фуқаровий даъвогар Холбеков Бекруз Низомиддин ўғлининг, Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компаниясида бош юрист-консулт бўлиб ишлашлиги, Самарқанд вилоят давлат молиявий назорати бошқармаси томонидан берилган 2022 йил 07 февралдаги хатига асосан, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ Самарқанд филиалининг 2022 йил 08 февралдаги буйруғи асосида компания етакчи мутахассиси Р.Тиллаев томонидан Ургут тумани “Ўрокбойжар” МФЙдаги 120-ўринли МТТни реконструкция қилиш объектида бажарилган қурилиш монтаж ишларини танлов асосида ўтказилган назорат ўлчовида аниқланган ҚҚС билан 131.994.805 сўмлик кам бажарилган иш ҳажмлари натижаларини текшириш давомида тўлиқ иш ҳажмлари ҳисобга олинмаганлиги ҳамда қўшимча бажарилган ишлар инobatга олинмаганлиги сабабли 2022 йил 07 майда бош пудратчи ташкилот “Дилнура қурилиш Сервис” МЧЖ томонидан объектни қайта ўлчовдан ўтказишни сўраб 13-сонли хат билан мурожаат қилганлиги, вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компаниясининг 2022 йил 12 майдаги 83-сонли буйруғига биноан Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси техник назоратчилари Ш.Ашуров, Ж.Давронов, бош пудратчи ташкилот “Дилнура Қурилиш Сервис” МЧЖ раҳбари А.Дустмуродов ва “Мензула тасвир сервис” МЧЖ бош муҳандиси Б.Раҳмоновлар иштирокида объектда қўшимча бажарилган иш ҳажмларини инobatга олган ҳолда қайтадан назорат ўлчовидан ўтказилганда қуйидагилар аниқланганлиги, яъни “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ Самарқанд филиалининг 2022 йил 08 февралдаги 28 и/ч-сонли буйруғи асосида компания етакчи мутахассиси Р.Тиллаев томонидан Самарқанд вилояти Ургут тумани “Ўрокбойжар” МФЙ даги 120-ўринли МТТни реконструкция қилиш объектида бажарилган қурилиш монтаж ишларини танлов асосида ўтказилган назорат ўлчовида ҚҚС билан 48.909.884 сўмлик иш ҳажмлари инobatга олинмай қолганлиги аниқланганлиги, бундан ташқари қурувчи томонидан ушбу мактабгача таълим ташкилотида 136.510.418 сўмлик қўшимча иш ҳажмлари бажарилганлиги ҳисобига 53.425.498 сўмлик иш ҳажмлари ортиқча бажарилганлиги аниқланганлиги, ҳозирда камчиликлар бартараф қилинганлиги сабабли Ш.Ашуров ва бошқаларга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатув билан;

Судда гувоҳ тариқасида сўралган Холмуминов Аслиддин Лутфиддиновичнинг, Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг



компаниясида техник назоратчи бўлиб ишлаб келишлиги, Самарқанд вилоят давлат молиявий назорати бошқармаси томонидан берилган 2022 йил 07 февралдаги хатига асосан, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ Самарқанд филиалининг 2022 йил 08 февралдаги буйруғи асосида компания етакчи мутахассиси Р.Тиллаев томонидан Ургут тумани “Ўрокбойжар” МФЙдаги 120-ўринли МТТни реконструкция қилиш объектида бажарилган қурилиш монтаж ишларини танлов асосида ўтказилган назорат ўлчовида аниқланган ҚҚС билан 131.994.805 сўмлик кам бажарилган иш ҳажмлари натижаларини текшириш давомида тўлиқ иш ҳажмлари ҳисобга олинмаганлиги ҳамда қўшимча бажарилган ишлар инobatга олинмаганлиги сабабли 2022 йил 07 майда бош пудратчи ташкилот “Дилнура қурилиш Сервис” МЧЖ томонидан объектни қайта ўлчовдан ўтказишни сўраб 13-сонли хат билан мурожаат қилганлиги, вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компаниясининг 2022 йил 12 майдаги 83-сонли буйруғига биноан Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси техник назоратчилари Ш.Ашуров, Ж.Давронов, бош пудратчи ташкилот “Дилнура Қурилиш Сервис” МЧЖ раҳбари А.Дустмуродов ва “Мензула тасвир сервис” МЧЖ бош муҳандиси Б.Рахмоновлар иштирокида объектда қўшимча бажарилган иш ҳажмларини инobatга олган ҳолда қайтадан назорат ўлчовидан ўтказилганда “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ Самарқанд филиалининг 2022 йил 08 февралдаги 28 и/ч-сонли буйруғи асосида компания етакчи мутахассиси Р.Тиллаев томонидан Самарқанд вилояти Ургут тумани “Ўрокбойжар” МФЙ даги 120-ўринли МТТни реконструкция қилиш объектида бажарилган қурилиш монтаж ишларини танлов асосида ўтказилган назорат ўлчовида ҚҚС билан 48.909.884 сўмлик иш ҳажмлари инobatга олинмай қолганлиги аниқланганлиги, бундан ташқари қурувчи томонидан ушбу мактабгача таълим ташкилотида 136.510.418 сўмлик қўшимча иш ҳажмлари бажарилганлиги ҳисобига 53.425.498 сўмлик иш ҳажмлари ортиқча бажарилганлиги аниқланганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Судда сўралган гувоҳ Давронов Жавахир Жахонгировичнинг гувоҳ Холмуминов Аслиддин Лутфиддиновичнинг кўрсатувиغا ўхшаш берган кўрсатуви билан;

Судда сўралган гувоҳ Халилов Мавзиддин Рахматовичнинг, Ургут туман ХТБ, Эксплуатация хизмати бўлимида мутахассис бўлиб ишлаб келишлиги, хизмат вазибаларига ХТБда амалга оширилган қурилиш таъмирлаш ишларини назорат қилиш, мактабларни иситиш тизимини куз-қиш мавсумида ишлашини таъминлаш ва бошқа вазибалар киришлиги, Самарқанд вилояти Ургут тумани прокуратурасининг 2022 йил 5 июлдаги №15/-22 сонли хатига асосан Ургут туман Халк таълими бўлими мудирининг 2022 йил 6 июлдаги 31-сонли буйруғига асосан бўлим мутахассиси М.Халилов, “Мензула Тасвир Сервис” МЧЖ бош муҳандиси Б.Рахмонов, Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси техник назоратчилари Ш.Ашуров, А.Холмуминов ҳамда



“Дилнура Қурилиш Сервис” МЧЖ раҳбари А.Дўстмуродовлар иштирокида Самарқанд вилояти Ургут туманидаги “Ўроқбойжар” МФЙдаги 120 ўринли МТТсида бажарилган қурилиш монтаж ишларини Самарқанд вилоят давлат молиявий назорати бошқармаси томонидан берилган 2022 йил 7 февралдаги №10-22/104-сонли хатига асосан, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ Самарқанд филиалининг етакчи мутахассиси Р.Тиллаев томонидан назорат ўлчови натижаларини қайта ўрганиб таққослаб чиқилганлиги, Ургут тумани, “Ўроқбойжар” маҳалласида жойлашган 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қурилиш ишлари пудратчи “Дилнура қурилиш сервис” МЧЖ томонидан олиб борилганлиги, мактабгача таълим ташкилоти биносини қуриш ишлари бўйича лойиҳа смета хужжатлари “Мензула Тасвир Сервис” МЧЖ томонидан тайёрланганлиги, бундан ташқари пудратчи ташкилот томонидан ушбу объектда тендер баённомасига киритилган иш ҳажмларидан ташқари бажарилган қўшимча ишлар учун лойиҳа смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва Қурилиш вазирлиги қошидаги “TRIUMF ПРОЕКТ” МЧЖ томонидан олинган 2021 йил 18 октябрда №0089/09-2021-сонли эксперт хулосасида лойиҳа қиймати 137276393 сўмни ташкил этиши кўрсатилганлиги, мазкур объектда Самарқанд вилоят давлат молиявий назорати бошқармаси томонидан берилган 2022 йил 7 февралдаги №10-22/104-сонли хатига асосан, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ Самарқанд филиалининг етакчи мутахассиси Р.Тиллаев томонидан назорат ўлчови ўтказилиб бажарилган ишларга нисбатан ҚҚС билан биргаликда 131.994.805 сўм фарқ аниқланганлиги кўрсатилганлиги, лекин, Ургут тумани прокуратурасининг 2022 йил 5 июлдаги 15/-22-сонли хатига асосан Самарқанд вилояти Ургут туманидаги “Ўроқбойжар” МФЙдаги 120 ўринли МТТни реконструкция қилиш қилиш ишлари назорат ўлчовидан ўтказилганда назорат ўлчови учун жалб қилинган “Қишлоқ Қурилиш Инвест” ИК МЧЖ етакчи мутахассиси Р.Тиллаев томонидан ҚҚС билан биргаликда 48909884 сўмлик қурилиш ишлари инobatга олинмай кетилганлиги аниқланганлиги, шунингдек ушбу объектда тендер баённомасига киритилган иш ҳажмларидан ташқари 136510418 сўмлик қўшимча иш ҳажмлари бажарилганлиги ҳисобига жами 53.425.498 сўмлик иш ҳажмлари қурувчи томонидан ҳомийлик ҳисобида ортиқча бажарилганлиги аниқланганлиги, ўрганиш давомида Самарқанд вилоят қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан тақдим қилинган маълумотномада кўрсатилган бир қатор ишлар лойиҳа хужжатларида кўрсатилиб лекин смета хужжатларида инobatга олинмаганлиги сабабли ушбу кўрсатилган ишлар бажарилмаганлиги, бош режада асосий бино атрофида автомобиллар ҳаракаланиш имконини берувчи қуйма бетон йўлакларни ушбу ҳудудда жойлашган кўп йиллик дарахтларни сақлаб қолинганлиги сабабли ушбу йўлаклар охиригача қуйилмаганлиги, ташқи ёпиқ девор лойиҳада баландлиги $h=2,5$ метр кўрсатилган, ушбу объектнинг релъефидан келиб чиққан холда 2,0



метрдан 2,4 метргача (девор пойдеворидан ташқари) бажарилганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Судда сўралган гувоҳ Дўстмуродов Аброр Ўрозовичнинг, “Дилнура қурилиш сервис” МЧЖ 2016 йилда ташкил этилган бўлиб, “Дилнура Қурилиш Сервис” МЧЖ 22.03.2016 йилда Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳамда жамият қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажаришлиги, жамият таъсисчиси ва раҳбари ўзи ҳисобланишлиги, Ургут тумани “Ўроқбойжар” МФЙда жойлашган, 120 ўринли 63-сонли МТТни қуриш ва реконструкция қилиш ишларини ўзи раҳбарлик қиладиган жамият ёлиб бўлган бўлса-да, ушбу жамиятни таниши О.Исаков юритиб келадиган “Коммунал Қурилиш ВВ” МЧЖ қуриши учун шартнома асосида берганлиги, “SamTender.uz” электрон сайти орқали Ургун тумани “Ўроқбойжар” МФЙда жойлашган, 120 ўринли МТТни реконструкция қилиш бўйича ҚҚС билан 2 885 643 232 сўмга, ишларни 130 кун муддатда фойдаланишга топшириш шартлари билан ёлиб деб топилганлиги, объектни мукамал таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини “Мензула Тасвир Сервис” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистан Республикаси Қурилиш вазирлиги “Шахарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан 2021 йилнинг 11 майида ҚҚС билан бирга 3 260 745 966 сумга 8487-сонли ижобий экспертиза ҳулосаси берилганлиги, тендер натижаси бўйича 2021 йилнинг 02 июлида Буюртмачи Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси билан бизнинг МЧЖ ўртасида 2 885 643 233 сўмлик 14-ОМТТ-2021-сонли, шартнома тузилиб, унга мувофиқ реконструкция ишлари 2021 йил 02 июлда бошланиб, 2021 йилнинг 09 ноябрида тўлиқ яқунланиши белгиланганлиги, қурилиш ишлари 2021 йил июль ойида бошланиб, 2021 йил ноябрь ойида жами 2 863 580 939 сўмлик ишлар бажарилган бўлиб, ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар юзасидан тузилган далолатнома (форма-3 шакл) Буюртмачи Инжиниринг компанияга топширилганлиги, Буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан қабул қилинган ҳисоб-фактураларга асосан 2021 йил ва 2022 йилнинг ўтган даврида 2 720 401 892 сўмлик маблағ жамият ҳисоб рақамига ўтказиб берилганлиги, ушбу ўтказиб берилган маблағлар тўлиқ “Коммунал Қурилиш ВВ” МЧЖнинг ҳисоб рақамига кўчириб берилганлиги, бугунги ҳолатда 143 179 047 сўмлик кафолат маблағи (5%) қолдиқ бўлиб қолганлиги, объектни Давлат қабул ҳайъатининг 2021 йилдаги қурилиши тугалланган бино, иншоотни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатномасига асосан фойдаланишга қабул қилинганлиги, 2022 йил 14 март куни Самарқанд Давлат молиявий назорат бошқармаси ва “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖдан масъул ходимлари томонидан 63-сонли МТТда амалга оширилган қурилиш ишларини текширишда иштирок этмаганлиги, ушбу текширишда О.Исаков иштирок этганлиги, кейинчалик назорат ўлчов ишлари натижасига кўра, 63 та иш тури бўйича, шу жумладан том қисмида латилган ёғочнинг ҳажмидан, томдан сув туширишга мўлжалланган



қувурдаги тирсак ва трубаларидан, бинолардаги иситиш қозонхоналаридан, вентиляция, циркуляцион насос, стяжка, пардозлаш ишлари ва бошқа шу каби жойларидан 114778 091 сўм, ҚҚС билан бирга 131 994 805 сумлик ишлар ҳажми тақдим қилинган ҳисоб-фактурага нисбатан кам бажарилганлиги аниқланиб, ушбу ҳақида далолатнома тузилганлиги, далолатнома тузилганидан сўнг, Самарқанд давлат молиявий назорат бошқарма ходимлари у билан боғланиб, тузилган далолатнома ҳақида баён қилишганлиги, давлат молиявий назорат бошқарма ходимларига аниқланган камчиликлар хато эканлиги, ушбу объектда қўшимча ишлар бажарилганлиги, уларни инobatга олишмаганлигини айтиб тақдим қилинган далолатномага имзо қўймаганлиги, аниқланган камчиликлар О.Исаков томонидан тўлиқ бартараф қилинганлиги, Ургут тумани “Ўроқбойжар” МФЙда жойлашган 63-сонли МТТда амалга оширилган қурилиш ишларини Департаментнинг Ургут туман бўлимининг хатига асосан қайтатдан бажарилган ишларнинг сифати юзасидан Самарқанд вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бўлим бошлиғи У.Мирзаев ва Қишлоқ қурилиш инвест мутахассиси Р.Тиллаевлар томонидан текширилганлиги, ушбу объектда О.Исаков томонидан 50 млн сўмдан ортиқ қўшимча ишлар бажарилганлиги, у объектни О.Исаковдан текшириб қабул қилмаганлиги, қўшимча ишлар ҳисоб-фактурада кўрсатилмасдан сметада кўрсатилган ишлар бажарилганлигини тўғрисида маълумотлар кўрсатилганлиги, 25.11.2021 йилги “Бажарилган ишлар тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-фактура”га бажарилмаган ишлар бажарилганлиги тўғрисида маълумотлар киритилганлиги, ушбу ҳисоб фактурага қўшимча ишларни киритиш зарур эмас деб киритмаганлиги ва ҳисоб-фактурани ўзи имзолаганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Судда сўралган гувоҳ Исаков Одил Куйчиевичнинг гувоҳ Дўстмуродов Аброр Ўрозовичнинг кўрсатувиغا ўхшаш берган кўрсатуви билан;

Бундан ташқари, иш ҳужжатларида мавжуд суд терговидида таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган қуйидаги инкор қилиб бўлмас далиллар йиғиндиси билан, яъни,-

-Самарқанд вилояти Давлат молиявий назорати бошқармасининг текшириш хулосаси ҳамда далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, маълумотномалар, далолатномалар, смета ҳужжатлари, фотожадвал, форма-3 шакл далолатномаси, солиштирма далолатнома, хатшунослик экспертизасининг хулосаси, ҳужжатларни олиб қўйиш ҳақидаги баённома, ҳужжатларнинг нусхалари, тушунтириш хатлари, юзлаштириш, сўроқ баённомалари ҳамда ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Ашуровнинг у сохталаштириш жиноятини содир этмаганлиги, унинг ҳаракатида жиноят таркиби мавжуд эмаслиги ҳақидаги важларини муҳокома қилиб, унинг важлари жиноий



жавобгарликдан қутилиб қолиш мақсадида ўйлаб топилган важ деб ҳисоблаб, ўзининг дастлабки тергов ва суд мажлисида берган кўрсатуви, гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа бир қатор объектив далиллар билан тўлиқ рад қилинади деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПКнинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак. Суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкин” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиққан ҳолда судланувчи Ш.Ашуровнинг содир этган жиноятига суд жараёнида текширилиб, аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топди.

Суд, судланувчи Ш.Ашуровнинг бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиной тил бириктириб, расмий хужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиб, хужжатларни қалбакилаштиришда ифодаланган жиной ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ, тергов органи томонидан судланувчи Ш.Ашуровга нисбатан айб эълон қилиш вақтида “ғаразгуйлик манфаатларини кўзлаб” деб нотўғри айблов эълон қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, тергов органи томонидан судланувчи Ш.Ашуровнинг хужжатларни сохталаштиришда ғаразгуйлик манфаатларини кўзлаганлиги, моддий ёки мулкӣ ёхуд бошқа шаклдаги манфаатдорлиги мавжуд бўлганлиги бирон бир исботловчи, аниқ далиллар билан исботланмаганлиги боис, унинг айбловидан “ғаразгуйлик манфаатларини кўзлаб” деган жумлани чиқариб ташлашни лозим топади.

Суд, судланувчи Ашуров Шухрат Абдукадировичнинг жиноят содир этишдаги ҳолатини муҳокама қилиб, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Ашуров Шухрат Абдукадировичга жазо тайинлашда етказилган моддий зарар тўлиқ бартараф этилган бўлиб, фуқаровий



даъвогарнинг даъвоси йўқлигини ҳисобга олиш билан бирга, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши керак” деган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 май кундаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли Қарорининг 15-бандидаги “Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг қопланиши жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг муҳим кафолати эканлиги ҳамда судланувчи учун муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқариши муносабати билан судлар зарарнинг қопланишига имкон берадиган барча ҳуқуқий воситалардан фойдаланиши шарт.” деган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, қонунийлик, одиллик, инсонпарварлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига амал қилиб, Ш.Ашуровнинг айбини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, айбли деб топилган ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси бош мутахассиси бўлиб ишлаб келиш даврида, иш фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳолда қалбакилаштириш жиноятини содир этганлиги сабабли ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, муайян муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишни, қўлланилган эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473, 475-476-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Ашуров Шухрат Абдукадирович (Ashurov Shuxrat Abdukadirovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбли деб топилсин.

Ашуров Шухрат Абдукадирович (Ashurov Shuxrat Abdukadirovich)га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромадига ундирган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 (бир) йил муддатга давлат иштирокидаги ташкилот, корхона ва муассасаларда мансабдорлик ҳамда моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган



жазолар алоҳида-алоҳида ижрога қаратилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари ва қўшимча жазо сифатида тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоларини ижросини назорат қилиш Самарқанд шаҳар ИИБнинг Пробация бўлинмаси бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини Самарқанд шаҳар ИИБнинг Пробация бўлинмаси томонидан белгилаб берадиган жойларда ўташлик белгилансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазо муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда амалда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини муддати ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Ашуров Шухрат Абдукадировичга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига даҳлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришига ҳақли эканлиги, белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилиши тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья:

Ф.Худайбердиев

